

IVT-G0312/69- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил 25 " 01

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Наманган вилояти хокимлигининг ургандашус, касб-хунар таълими бошкармаси Устав (Низом, рўйхатта олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **6.01.000000** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузиша расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикқанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзисиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чикиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнидан Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк қуни мобайнida амалга оширади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир ўз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга ошириши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **1464000 (бешинч тиббатида)** сўмни ташкил этиди. Ушбу сумма **1300000 (бешинч тиббатида)** сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда **100000 (бешинч тиббатида)** миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзолангандан қўшимча келишиш/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк қуни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий раввища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан/ бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилади.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш қуни мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календари ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларидан ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равища Ўзбек Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузishi мумкин бўлган хар қандай чора кўрмасликларни ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаша ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/зътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпине билан 30 (үттиз) кун давомидек кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга кадар амал қиласи. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонента татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг ҳеч бирни унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкылоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул қилганлиги хақидаги жавобини) билдиради.




7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга

оширилган кундан бошлаб, **10 (үн) календарь кун** ичидә бир-бىрларини хабардор килишлари шарт.
7.5. Ушбу Шартномага ўзгартырышлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакимики тусобозли.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган болиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали</p> <p>Манзил: Наманган шаҳар Истиклол кучаси 57-йи Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан:  Б. Нуриев ИМЗО/ М.ў.</p>	<p>АБОНЕНТ: Наманган вилояти ҳоқимлигининг урта махсус, касб-хунар таълими бошкармаси</p> <p>Манзил:  Банк маълумотлари: х/р: 10002 1860144017098300079001 СТИР: 2012 77836 20422919 МФО: 00014; Банк номи: НБ 10002 1860144017098300079001 Тел: 69-71-71-71; Веб:  Дар яхуда 2000 200/0000 070:10</p> <p>Абонент номидан:  Б. Гончаров ИМЗО/ М.ў.</p>
---	---

Исп.: Юсупов И
Тел: (369) 227-18-10

Кўрсатиладиган хизматлар

1.

Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар
Ўлчов бирлиги – Миллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билин Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
	Corporate-4 тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS- IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш,Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 5 Мбит/с Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 20 Мбит/с		Нархнома		
2.1	Абонент тўлови	450 000.00	Нархнома	1	450 000.00
2.2	Стат IP	20 000.00	Нархнома	1	20 000.00
2.2	IPtv	18 000.00	Нархнома	1	18 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					488 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 488 000,00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Ҳар ойлик тулов 488 000,00 сум

Шартноманинг умумий микдори 1464000,0 Бер шарқий тўғри соғ олганни түрк
сўмни ташкил этади. Ундан 788000,0 (тўғри соғ сарсанадарни кечга сўм
микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда (сабт) сўм
бир маротабалик FTTX технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
"Ўзбектелеком" АҚ
Наманган филиали

АБОНЕНТ:
**Наманган вилояти хокимлигининг урта маҳсус, касб-хунар
таълими бошкармаси**

Оператор номидан:

Директор



Абонент номидан:

